



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 24 сентябрь, чоршанба • № 76 (10.955) • Эркин нархда сотилади

ЕХХТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ КЕНГАЙТИРИЛГАН БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ ВА «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КАВКАЗДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ҲАМДА СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА ГУМАНИТАР МАСАЛАЛАР» СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Барчангизни Тошкентда самимий кутлашга ҳамда анжуманингиз минтақавий тараққиётингиз энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ўзининг амалий хиссасини қўшади, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

Ҳам ўз аксини топган. Анжуманингизда муҳокама этилаётган муаммолар биз учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биргаликда ҳаракат қилиш билангина хавфсиз дунё ва адолатли тинч-тартиботни қарор топтириш мумкинлигини барча англаб етишини тақозо этмоқда.

Марказий Осий ва Кавказ хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақалари бўла олади ва шундай бўлиши ҳам керак. Бунга баҳамжихат сатъ-ҳаракатлар билангина, жон ҳамжамиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ёрдамида эришиш мумкин.

Худди шунинг учун ҳам биз хавфсизликнинг умумийлиги асосий тамойилини тўла қўллаб-қувватлаб, Марказий Осий ва Кавказнинг ўсиб бораётган жўрғойиш-стратегик мавқени, иқтисодий салоҳиятини, улкан ҳомаш ва инсон ресурсларини, шунингдек, бу жадал ривожланиб бораётган минтақалардаги хавфсизликка

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ДУНЁ ХАВФСИЗЛИГИ САРИ



Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки кун давом этган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти парламент ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг мажлиси 23 сентябрь кuni ўз ишини якунлади.

Мажлис нихосига етгач, меҳмонхонанинг Амир Темур залида «Марказий Осий ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзусидаги халқаро семинар очилди.

Қаратаётганини таъкидлади. Бундай семинарларни ўтказиш турли минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро алоқаларни янада яқинлаштиришга кўмак беради, деди у жумладан. Парламент ассамблеясининг фахрий раиси Франк Свален минтақавий хавфсизликни таъминлаш шарт-шароитлари ҳақида гапириб, бу тушунча бугун нафақат курулчи моҳаролар ёхуд ҳарбий ҳаракатларни, балки халқаро гўёҳандлик ва коррупцияга қарши кураш, қашшоқликни камайтириш, экология бузилишининг олдини олишни ҳам назарда тутишни таъкидлади.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ташқи ва

КОРХОНАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ
АНГРЕНДАГИ «Саноатқалинқозғосавдо» хиссасдорлик жамияти жамоаси ҳайрия ишларини тез-тез уюштириб туради. Шундай тадбирларнинг бири кuni кеча ўтказилди.
Корхонанинг аксарият ишчи-хизматчилари истискомат қилаётган Гулбоғ маҳалласида катта дастурхон

Аёлларга бағишланди
Қибрайда туман меҳнат биржаси хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш ўринлар ярмаркасини ташкил этди.
Тадбирда тумандаги раҳбарлари, билим юркорхона ва ташкилотлар ва жамоа

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 сентябрь кuni Қирғизистон Жоқарғи Кенеші халқ вакиллари йиғилишининг тўрағаси Алмамбет Матубраимовни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Қирғизистон парламенти раисини Ўзбекистонга илк ташрифи билан қутлар экан, икки давлат ўртасида парламентлараро муносабатларнинг ривожига унинг алоҳида хиссаси борлигини таъкидлади.

А. Матубраимов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ислам Каримовнинг Марказий Осийда интеграция жараёнини жадаллаштириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги хизматларига юқори баҳо берди.

Пахта — 97
ТЕЗКОР МАТБУОТ ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ
Йўлга чиқди

Қишлоқ меҳнатқашлари ҳаётида гоёт долзарб, масъулиятли дамлар бошланди. Пахта далаларида йиғим-терим ишлари қизғин тус олди.

Қолдирмай йиғиб-териб олинишни хозиржавоблик билан ёритиб бориш мақсадида таҳририят қошида Тезкор матбуот гуруҳини ташкил этди.

РЕСПУБЛИКА «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими, матбуот бошқармаси, республика ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, вилоят маданият ишлари бошқармаси, республика «Нуроний», «Камолот» жамғармаларини вилоят бўлимлари ҳам айна кунларда пахтакорларга хизмат кўрсатиш юзасидан тарғибот-таъшиқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббус вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланди.



БИР вақтлари Чиноз туманида пахтачиликда донг таратган Охунбобоев номи жамоа хўжалиги деҳқонлари аввалги шуҳратларини тиклаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Далалардаги пишиб отилган мўл-ҳосил ва йиғим-теримнинг бориши ана шундан далолат бериб турибди.

Қўл терими ҳисобига ҳар кuni қўллаб-қувватлаб пахта топирилмоқда. Муқаддас Назарова, Озода Юсуфамедова, Мўътабар Холидовлар кунига 100 килограмдан ошириб пахта термоқдалар.

Абдужалил РАҲИМОВ суратга олган.

Вилоят туманларида пахта тайёрлашини бориши тўғрисида шу йил 23 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ
(режага нисбатан фойз ҳисобда)

Туманлар	бир кунда	мавсум бошидан бўён
Чиноз	1,92	25,19
Бекобод	1,77	16,78
Янгийўл	2,25	16,15
Ўртачирчиқ	2,01	15,48
Пскент	1,39	14,46
Бўка	1,57	13,69
Юқоричирчиқ	1,70	8,46
Қуйичирчиқ	1,26	7,86
Оққўрғон	0,14	1,69

Вилоят бўйича 1,48 12,58
1996 йилда бўлган эди 1,91 12,76

СУРЪАТ ЖАДАЛЛАШМОҚДА
ЎРТАЧИРЧИҚ туманининг «Роватак» жамоа хўжалиги далаларида иш қизғин. Кўкларда чигит қадаглан 660 гектар майдонда пахта қийғос очилди. Айниқса, Ойпошша Убайдуллаева, Манноб Бердиқулловлар бошлиқ бригадалар далаларида ҳосил бўлиқлиги яққол кўзга ташланди.

Хўжалик раҳбари Муҳаммадоллим Убайдуллаевни Манноб ака бригадасида учратдик. «Наманган-77» нави эрта пишарлиги, касалликка чидамлилиги билан бир неча йилдирки бизга маъқул бўлиб қолди. — деди раис, — навия ҳеч қандай эътироз йўқ. Аммо парварини пхши кўради. Узингиз рази солилинг, бригада ерларидидаги мана шу ўзлавлар август ойида сувга қонган, озугада тўйганлиги учун ҳосили кўп. Салмоғи ҳам яхши. Бошқа майдонларимизда ҳам худди шунақа манзарани кўрасиз.

Бригадада хозир қўл теримига зўр берилмоқда. Айни пайтда бошқарув раҳбарлари Рашид Тўхтаев, Камол Жамолов каби меҳнатдорлар ишидан ҳам хурсанд. Улар дастлабки теримни бошлашди. Хирмонга кунига ҳар бири 6-7 тоннадан пахта тўкмоқда.

Теримчилар билан ҳар беш кунда эисоб-китоб қилиб боришмоқда. Бир килограмм пахта учун 3 сўм 50 тийиндан, машинада терилган ҳосилнинг бир тоннаси учун эса 100 сўмдан жак тўлимоқда. Кунга 150 килограмдан ошириб пахта терайтган Ойша Бердиқуллова, Ҳайринисо Султонова, Зилола Сайидгонова, Насиба Носиржоновна, Ҳамда Жалолова каби кўпмикилограммчилар беш кунликда 2-2,5 миң сўмдан ошириб пул олдилар.

Далада ишлаётганлар учун барча қулайликлар мавжуд. Бу эса кулик иш суръатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайдулла ҲАСАНОВ.

ЯНА ХИЗМАТДА БЎЛИШАДИ
ВИЛОЯТ маданият ишлари бошқармаси пахта йиғим-терими кунлари учун ўзининг «Мавсум дастурини» тайёрлади.

Унда кўра пахтакор туманларни хомийликка олган шўҳратлар, шунингдек сабаз-воткор туманлар бадий даставлари бевосита далаларнинг ўзида маданий хизмат кўрсатадилар.

Бошқарма ташаббуси билан жойларда қатор ижодий кечалар, унрашувлар ташкил қилин, мавжуд дала ший-понларини жиҳозлашга кўмаклашиш ҳам режалаштирилди.

Сайд ВАЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АФГОНИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАДОШ ШИМОЛИЙ ҲУДУДИДАГИ СЎНГИ ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЁНОТИ

Илгари қайд этилганидек, сўнги вақтда «Толибон» ҳаракатининг қуролли отрядлари ва Афғонистоннинг шимолидаги уларга қарама-қарши кучлар ўртасида шафқатсиз тўқнашувлар бўлмоқда. Бизга етиб келаятган маълумотларга қараганда, у ерда кўплаб одамлар ҳалок бўлмоқда, уй-жойлар вайрон қилинмоқда.

Жанговар ҳаракатлар натижасида толиблар Афғонистон чегарасига бевосита яқин жойлашган Ҳайратон шаҳрини эгаллади.

Ҳозирги вақтда ҳарбий тўқнашувлар давом этаётган ҳудуд вақти-вақти билан бир-бирига қарши қурашаётган томонларнинг қўлидан қўлга ўтиб турибди.

Афғонистон ҳудудида бир-бири билан урушаётган томонлар бир-бирини ўзаро ўққа тутиши натижасида Афғонистоннинг чегарадош ҳудудида бир неча снаряд келиб тушди ва тўрт нафар фуқаро жароҳатланди.

Ўзбекистон чегара қўшиқлари республика Мудофаа вазирлиги кучлари ҳамда маҳаллий ҳокимият билан биргаликда чегарани мустаҳкамлаш, Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда оқошбиллик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрмоқда.

Сўнги кунларда Ўзбекистон чегарасига бевосита яқин жойда содир бўлган воқеалар Афғонистон раҳбариятининг республикамиз ҳудудини кейинги пайтда натижасини биллиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва бир-бирига душман қўшларнинг жанговар тўқнашувлари бўлиб турган Афғонистоннинг шимолий қисми билан боғлиқ Амударё кўпригини ёпиб қўйиш тўғрисида илгари қабул қилган қарори тўғрисида тасдиқлади. Биз кўприкни ёпиб қўйиш билан ўз ҳудудимиз хавфсизлигини таъминлабгина қолмай, айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон шимолий ҳудудларидаги қарама-қаршиликка бетарафлиги ва аралашмаслигини

ҳам намойиш этдик.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шуни таъкидлайдикки, Афғонистонда юз бераётган барча воқеалар фақатгина шу мамлакатнинг ички ишидир.

Ўзбекистоннинг Афғонистон моjarосини бартараф этиш борасида тутан йўли ўзарамий қоллаверади ва бу йўл қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, Афғонистоннинг ҳудудий яқинлигини сақлаб қолиш.

Иккинчидан, моjarони ҳал этишнинг ҳар-бири усулларидан воз кечиш.

Учинчидан, ички ишларга ташқаридан ара-лаштини тўхтатиш.

Тўртинчидан, моjarо зонасига қурол-яроғ етказиб беришни қатъий тақиқлаб қўйиш.

Бешинчидан, моjarога жалб этилган барча асосий кучларнинг кенг вакиллар негизида қўлидан қўлга тузиш мақсадида босқунчи-ма-босқун амалга ошириладиган тинчлик жараёни-ни илтироз этиш.

Олтинчидан, БМТ ҳрмиёлиги ва Ислон конференцияси ташкилоти иштирокида тинч музокаралар жараёнини ўтказиш.

Шу мақсадда Афғонистон билан бевосита чегарадош мамлакатлар, АҚШ ва Россия вакил-ликлари ҳамда Афғонистондаги бир-бирига қарши қурашаётган кучларнинг вакилларидан иборат «Мулоқот гуруҳи» тузиш.

Ўзбекистон Республикаси бир-бирига қарши қурашаётган томонларни ўзаранинг яхши ниятларини намойён этиш, Афғонистон давлатини сақлаб қолиш, Афғонистон халқининг фаро-вонлиги ва раванлигини ўйлаб, мустаҳкам ва озоқ муддатли тинчлик ўрнатиш мақсадида биро-дарқушлик урушига хотима беришга даъват этади.

Тошкент, 1997 йил, 22 сентябрь.

МУКАММАЛ ДАРСЛИКЛАР

Мустақиллик йил-ларида Ўзбекистон умумтаълим мактаб-лари учун кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзилди. Бу адабиётлар орасида табиий ва ижтимоий фанларга доир ўқув қўлланма-лари ҳам бор.

МАКТАБЛАРНИНГ 9—11 синфлари учун тайёрланган «физика» дарслиги эса мамлакатимиз миқёсида ўзбек тилида илк бор чоп этилди. Унинг юзага келишида таниқли педагог олимлардан Д. Шодиев ва Н. Шахмаевлар катта меҳнат қилдилар. Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш керакки, ушбу адабиёт республика миқёсида энг яхши дарсликлар танловида голиб деб топилди.

Ижтимоий фанлар бўйича эълон қилинган республика танловида А. Фуломов, Й. Абдуллаев, З. Маърупов, М. Омилхонвалардан иборат тилшунослар муаллифлигида чоп қилинган «Она тили» (6-7 синфлар учун) дарслиги ҳам юқори баҳога сазовор бўлди.

КЕЛАЖАККА ОДИМ ТАШЛАБ

Саудия Арабистони миллий байрами — Саудия Арабистони Қироллиги эълон этилган кун арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари шу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафиэ билан мулоқотда бўлдилар.

Бизнинг маълумотима: Саудия Арабистони Қироллиги Жанубий-Гарбий Осиёдаги давлат. Арабистон ярим оролининг 80 фоизини ва Қизил денгиз ва Форс қўлидаги бир неча соҳил бўйи ороллари-ни эгаллайди.

Поитахоти — Эр-Ридд.

1991 йилнинг декабрида Саудия Арабистони Қироллиги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди, 1992 йилнинг февралда эса давлатларимиз ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1992 йилнинг ноябрь ойида Жидда шаҳрида Ўзбекистоннинг консулхонаси очилди. 1995 йилнинг апрелдан бошлаб ушбу мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу йил Тошкентда Саудия Арабистонининг элчихонаси очилди.

1995 йилда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида илмий-техник ва савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги давлатлараро битим имзоланди. Утеган йили нефть ва газ қазиб олиш ва қайта ишлаш санати, нефть химияси, қишлоқ хўжалиги, савдо ва меъарлари қайта ишлаш, ирригация лойиҳаларини амалга ошириш, сайёҳлик, маркетинг, банк ва сугурта соҳаларини ривожлантириш каби соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Қўшма корхоналар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўймоқдалар. Бугунча келиб, Ўзбекистонда Саудия инвестициялари жалб этилган тўққизта қўшма корхона ишламоқда.

дунёсининг энг йирик мамла-кати ҳисобланиб, Оллоҳ таоло ва субҳонаху иродасига бино-ан унинг заминида ҳар бир му-слмон учун муқаддас бўлган Макка ва Мадина ҳамда бутун ислом дунёсининг қибласи бўлиши Каъба жойлашган. Узининг диний аҳамиятидан ташқари мамлакатимиз турли соҳаларда катта натижаларга эришди.

1982 йилдан бошлаб нефть ва газни қайта ишлаш санао-тининг энг замонавий инфра-структурасини яратиш соҳасида катта қадамлар таш-ланди. Кўплаб замонавий мак-таблар, шифохоналар, дорил-фунунлар, денгиз иншоотлари ва аэропортлар барпо этилди.

Ҳозир Саудия Арабистони иқтисодида сув ҳўжалиги,

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари санати соҳаларида кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қирол оиласи раҳнамолигида олиб борилаётган таълим ва соғлиқни сақлашнинг сертар-моқ тизимини яратиш мамла-катининг катта ютуғи ҳисобла-нади.

Давлатимизнинг ҳозирги че-гаралари асримизнинг 20-30 йилларида юзага келди. У ил-гари тарқаб кетган Хижа ва Нажд қиролликларини бириштирди.

Қирол сулоласи туфайли тараққиёт ва яратувчанлик йўлидан бораётган араб миллат-ларининг ривожига ҳалақат этаётган ҳудудий тарқоқликка барҳам берилди.

1982 йилда ҳукумат тепасига қирол Фаҳд Бин Абдул Азиз Ал Сауднинг келиши билан қирол-литимиз эълон қилинган кун, мамлакат халқининг катта мил-лий байрами нишонланиб келмоқда.

Бутун дунёда мамлака-тингизни Мухаммад пайгамбар ватани, милли-онлаб мусулмонлар зиёратгоҳи сифатида била-дилар. Бугунги Саудия Ара-бистони Қироллиги тўғрисида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

— Қироллигимиз араб

Саудия Арабистони миллий байрамини нишонлади

Янги китоблар

«ТҮЙТЕПАГА ТҮЙГА КЕЛИНГ»

БАРОТ Исроил асли шоир. Унинг радио ва телевидени-еларда айтиладиган аначи-на кўшиқлари бор. Вақти-вақти билан насрга ҳам кўл уриб туради. Яқинда босма-дан чиққан «Тўйтепага тўйга келинг» китоби бунга мисол-дир. Китоб асосан, ўртача-чиқ туманининг етимиз йил-лигига бағишланди. У тўрт бобдан иборат бўлиб, туман тарихи, аҳолиси ҳақида му-фассал ва қизиқарли маълу-

мотлар беради. Айниқса, ўзлаштирилган ерлар ва бу жойларга кўчиб борган ки-ши-лар ва туманда юз берган маданий қурилушлар ҳақида муаллиф ўз ўйларини батаф-сил баён этган.

«Тўйтепага тўйга келинг» китоби муқаддимасига қирган Президентимиз Ислон Каримовнинг сўзларида Тўйтепа ҳақида ажойиб гаплар айтил-ди: «Мен шу пайтгача, — де-ган эди Президент Ислон Ка-

бир китобага тўпланган ва ҳурматли китобхонларга тақдим этилган.

Китобда ҳар бир дав-рнинг алоҳида бобларга аж-ралиб ҳикоя қилиниши ўқу-чида қизиқиш уйғотади. Уни зериктирмайди. Биринчи бобда туманинг ўтмишига чуқурроқ назар ташлаиб, унинг маркази бўлиши Тўйтепанинг қадимда Мин-тепа ва Нукет номи билан аталганлиги — қадимшунос олимларимизнинг маълумот-лари асосида ёритилган.


Абдусодиқ ИРИСОВ.

Ўзбекистон — менинг Ватаним ФАХРЛАНАМАН

МИЛЛАТИМ қрим татар. 1953 йилдан буён Беко-бод шаҳрида яшайман. Уша вақтда мўъажзгина бўлган шаҳарнинг эндиликда йирик саннат марказига айланишининг гувоҳи бўлганман. Шу вақтда мавжуд корхоналар кенгайтирилиб, ўнлаб янгилари қад кўтарди. Бугунги шаҳар қиёфаси кўркам ва жо-зибадор. Бу бекободликларнинг фидокорона, бунёдкорлик меҳнати натижасидир.

Ўзбекистоннинг Мустақилликка эриши-ши мен ва оилам аъзолари учун энг ёруғ кун бўлиб, қал-бимизга хушнудлик бахш этди. Бу тарихий воқеа бир умрга ёдимизда қолади. Ҳа, серкуёш Ўзбекистон биз қрим татарлар учун иккинчи она юртимиз бўлиб қол-ган. Тўғри, истиқлолга эришган Ўзбекистондан кўплаб қрим татар оилалари кўчиб кет-ганлиги ҳеч кимга сир эмас. Очигини айтсам, қийинчиликлар даври-да бизни қийинтирган, нон-тузини ўртада баҳам қўрган меҳмондўст ўзбек халқидан юз ўгиришга, она замин бўлиб қолган тупроқни таш-лаб кетишга виждоним йўл бермади. Кўплаб ҳамюртларим ҳам худди шундай йўл тутти.

Ақлимни танибман-ки, бекободликлар хизматидаман. Маи-ший хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилиб келаялман. Косибон. Давр тақозоси билан уста-хонани хусусийлашти-риб олдим. Энди у менинг шахсий мулк-ким бўлиб қолди. Ҳозир шаҳарда аҳолига хизмат кўрсатувчи кўплаб маданий-маиший муассасалар, турар-жой бинолари қад кўтармоқда. 10 минг рақамли янги автомат



АГРОФИРМАНИНГ ЯНГИ КУНЛАРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли мулкчи-ликнинг турли шакллари юзага келмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш санатини бе-восита шу маҳсулотларни етиштирувчилар ҳамкор-лигини мустаҳкамлаш, икки тармоқда ҳам самарадор-лигини янги-янги имкониятларини ишга солиш мақсадида агрофирмалар ташкил этила бошлади.

Шулардан бири «Янгийўл» узумчилик ва шаробчилик агросаноат фирмасидир. У туманда иқтисодий заифлашиб қолган Навоий номили ва «Янгийўл» давлат хўжалиқларини Янгийўл шароб заводига бирлаш-тириш натижасида ташкил топди ва вилотимизда узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлан-тиришда биринчи қадам бўлди.

Янгиача ишлаш дастлаб-ки йилдаёқ ижобий нати-жа келтирди. Шу туфай-ли яна айрим хўжаликлар унга кириш истагини бил-дирдилар. Хусусан, «Янгийўл» давлат хўжалиги жамоаси ҳам фирмага қўшилди. Узумчиликка их-тисослашган бу уч хўжалик жамоалари эндиликда за-водга сифатли маҳсулот етказиб бермоқдалар. «Шароб» заводи жамоаси эса бу хўжаликларга ҳар-тамонлама моддий техни-ка ёрдамини кучайтирмоқда. Бунинг оқибатида соҳибкорлар кўп оворагарчиликлардан

дандир. Маҳсулотларимиз республикамиздагина эмас, хатто, Мустақил Давлатлар Ҳамжамиятида ҳам ўз талаб-горларини топмоқда.

Маҳсулотларимиз сифа-тини яхшилаш, унинг бозор-даги мавқеини янада кўтариш мақсадида литва-лик ҳамкорлар билан «Ян-Алра» қўшма корхонасини тузди. Ичимликларни МДХ давлатларида экспорт қилиб, республикамизнинг валюта бойлигига ўз улушимизни қўшялмиз. Маҳсулотларимиз қатор халқаро кўргазма-лар-да мавфақиятли намойиш этилмоқда. Санкт-Петербург ва Алматыда ўтказилган шундай тадбирларда кат-нашган ичимликларимиз соҳа мутахассисларининг юқори баҳосини олди.

Жамоа мамлакатимиз мустақиллигининг олти йил-лиги нишонланадиган жорий йилда анча самарали ишламоқда. Илнинг бирин-чи ярмида бюртмачиларга етказиб берилган жами маҳсулот ҳажми пулга чаққанда 282 миллион сўмини ташкил этди.

Фирмаимиз очик турдаги хиссадорлик жамияти ҳисоб-ланади. Акцияларнинг анча-

лар бир йилда икки марта тиббий қўриқдан ўтказила-ди ва улар кунда бепул сут маҳсулотлари билан таъмин-ланадилар.

Жамоа шартномасидаги келишув бўйича меҳнат фа-рийдари ва меҳнатда илгор ишчи-хизматчиларга соғломлаштириш ва дам олиш масканларига бориш учун бепул йўлланмалар берилмоқда. Кам таъмин-ланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилмоқда. Утган йилда уларга 133 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Корхонада 3 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Ишчи-хизматчилар ва мас-канлардаги фарзандлари тарбияси учун ҳаражатлар-нинг фақат бир қисминини-ни тўлайдилар.

Иш жойларида техника хавфсизлигини таъминлаш, яхши меҳнат шартлари яратиш, меҳнат жароҳатларининг олдини олиш ва ишчиларни махсус кийимлар билан таъминлаш ҳам асосий ишларимиз си-расига кириди.

Ҳозирги бозор иқтисодида ўтиш қийинчиликларига қарамай, Навоий номили хўжалигимизда 140 ўрилли янги болалар боғчасини фойдаланишга топширдик. Ез ойларида фирма ходим-ларининг бир гуруҳ ўғил-қизлари Бустонликдаги «Наргиз» ва Қумушқонда-ги «Сумча» болалар оромгоҳларида дам олди.

Фирмага қарашли «Янгийўл» хўжалигида 120 хонадонга ва Навоий но-мили хўжалигининг газлашти-рилмай қолган хонадонла-рига газ ўтказиш ишлари тўғрисида. Корхонанинг ишчи-хизматчилари бўш вақтда яхши хордиқ чиқаришлари учун Ҳақабоддаги «Соҳибкор» ўқитиш марказига ижарага олинган.

Инсон манфаатлари йилида фирмамиз маъму-рияти ва касба уюмаси кўмитаси ишчи-хизматчи-ларнинг янада унумли меҳнат қилишлари, улар-нинг ижтимоий муҳофазасини лозим да-ражага кўтариш учун бар-ча имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Бахтиёр ФӨЗИЛОВ, «Янгийўл» агросаноат фирмаси касоба уюмаси кўмитаси раиси.

СУРАТЛАРДА: ишчи Хури Қобилова муҳандис-технолог Иномбуви Май-либевалар тайёр маҳсулот сифатини текширмоқдалар (ундан); жамият ҳақларининг би-рида; ишчилардан Гулҳаёра Ғоппова ва Му-каррама Нишонлиевалар иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Пахта — 97: БИЗНИНГ СУҲБАТ

Ҳар йили пахта тайёрлаш режисини биринчилардан бўлиб бажаришга одатланиб қолган бўқалиқлар ўтган йили доғда қолдилар. Салкам уч фоиз пахта етмай қолди. Бу ҳол бўқалиқ фидойи деҳқонларнинг ориятига теғмасдан қолмади. Улар йил якунини атрофлига таҳлил этдилар. Қандай хатоларга йўл қўйилганини, бу хатоларни янги мавсумда такрорланмаслиги учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида маслаҳатлашдилар. Бу йил 42 минг тонна «оқ олтин» етиштириш ҳамда ўтган йилги қарзни ҳам узиш юзасидан амалий тадбирлар белгилаб ишга киришдилар. Лекин табиий офат бўқалиқларга ҳам бирмунча зиён етказди. 8 минг гектар майдонга қайта чигит қилди. Тажрибадор бободоҳқонлар қайта экилган чигитларни ҳам қийғос ундириб олиб, айна кунларда бу гўзаларни

ҳам олди гўзаларга етказиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳар бир ҳўжалиқда, ўрганиб чиқилди. Бу қарор ва унда кўрсатилган йўл-йўриқлар, вазифалар асосида ўзларининг ички тадбирларини белгилаб олдилар. Айна кунларда ана бу тадбирларни бекаму-куст бажариш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди. Жамоатчи муҳбиримиз Эргаш Йўлдошев яқинда «Ачамайли» жамоа ҳўжалиғида давра суҳбати ўтказди. Ҳўжалиқда мавсумини ташкилий равишда, уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича қилинаётган ишлар билан танишди.

ҲАММА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛАДИ

Абдували ХОЛЖОНБОВ, жамоа ҳўжалиғи бошқаруви раиси

МАВСУМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАМИЗ

— Бу йил ҳўжалиғимизда 948 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Ҳар гектардан 26 центнердан, жами 2512 тонна ҳам ашё топиришни ният қилиб олганмиш. Шу мақсадда жамоамиз меҳнаткашлари эрта кўздан бошлаб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Баҳордаги ишлар ҳам вақтида ўтказилди. Биз андижонликлар усули асосида 90 гектар ерда пленка тағида пахта ўстирдик. 2 майда бўлган табиий офат туйғайли зиён қўрган 120 гектар майдондаги пахтаимизни ҳам ўйглаб олдик.

Ўзгартиришлар киритдик. Бу ўзгартиришларнинг асосий моҳияти инсон манфаатлари йилида пахтакор меҳнатини ҳар жиҳатдан қадрлашга қаратилгандир. Энг биринчи навбатда ишни ташкиллаштиришни яхши йўлга қўйиш учун 3 та штаб тўзилди. Биринчи штаб (унга ўзим бошчилик қиламан) аъзолари бригадалар, жамоаларда пахта йиғим-теримида тартиб-интизомни назорат қилиш билан шуғулланишлар.

Иккинчи штаб аъзолари эса аҳолини йиғим теримга сафарбар эйтиш масаласи билан машғул бўладилар.

Дарвоқе, ўтган йили бизда 500 киши кўл теримида қатнашган эди. Бу йил уларнинг сони 600 дан ортади.

Учинчи штаб ҳисоб-китоб, механизаторлар ва теримчиларнинг терган пахталари учун ҳақини ўз вақтида тўлашни ташминлаш бўйича иш олиб боради. Биз инсон манфаатлари йилида одамлар меҳнатини қадрлаш зарурлигини айтган эдик. Теримчилар, механик-ҳайдовчилар ўртасидаги беллашув гоилиберишига бериладиган баҳо ҳолисанило бўлиши керак. Тад-

бирларда бу масалага ҳам алоҳида эътибор берилган.

Ўтган йили машина теримини яхши ташкил эта олгандик. Бу йил тўрт қаторли машинадан 4 таси шўт қилиб қўйилди. Ҳар беш кунда механизаторлар, теримчилар ўртасидаги мусобақага яқун чиқарилади. Биринчи ўринни олган механизаторга минг сўм пул берилди. Кўл теримчилари учун ҳам 10 та муқофотли ўрин белгилаганимиз. Биринчи ўрин учун минг сўм, иккинчи ўрин учун 800 сўм, учинчи ўрин учун 500 сўм ва ҳоказо.

Биз авжи йиғим-терим қизгин паллага кирганда кўлда қанча пахта териш мумкин-у, машиналарда қанча пахта терилди, неча фоизни ташкил этади, тахмин ҳисоб-китоб қилиб қўйдиқ ва ишни уюшқоқлик билан йўлга қўйсак, об-ҳаво туриб берса 15 октябрга қадар режамизни бажарамиз, деб аҳд қилдик.

БУ ЙИЛ ЮЗИМИЗ ЎРҒУ БЎЛАДИ

Эрпўлат БҮРИЕВ, механик-ҳайдовчи

— Боя раисимиз айтиб

ўтдилар. Ҳақиқатан ҳам ўтган йили биз машинада пахта теришда қоқоқликка йўл қўйдик. Машиналарни яхши созладик, деб ўйлаб янгиликдик.

Шунинг учун ҳам бу йил ҳўжалиғимиздаги мавжуд 4 та икки қаторли пахта териш машинасини мавсумга тайёрлашда ўзимиз ҳам қатнашдик. Яқинда машиналарнинг қанчалик созланганлигини текшириб кўрдик. Ва албатта, улардан самарали фойдалансак, мавсумда камида 400 тонна пахта териш оламиз, деган қарорга келдик. Жамоа ҳўжалиғи бошқаруви биз механизаторларнинг умумли ишлашимиз учун барча шароитларни яратиб берди. Махсус кийим-кечак билан таъминландик, иссиқ овқат қилиб берилди. Энг муҳими кўча устaxonа зарур асбоб-ускуналар билан таъминландик, далама-дала зориб, машиналар ишини назорат қилди, майда-чўйда таъмирлаш ишлари ўша жойининг ўзида амалга оширилди.

Машина терими икки

босқичда ташкил этилади. Мен ўриндошим Тўйчи Ойнақулов билан бирга ишлаيمان. Некли Раҳмонқулов Неймат Чўлиев билан, Соътодди Воситов ўгли Нодир билан биргаликда теради. Йигирмата транспорт трактори, 41 та тиркама машиналар биз механик-ҳайдовчилар хизматида бўлади.


Ўша баргини тўкиш ишлари қандай бораётганлигини ҳам ўзимиз кўзатиб бордик. ОВХ пуркағи аппаратлари яхши ишлади. Барг бир текис тўкилиб, кўсақларини 70-80 фоизи очилиши билан агрегатларимизни далага олиб чиқамиз.

ОИЛАМИЗ БИЛАН 20 ТОННА

Султон ХУДОЙҚУЛОВ, теримчи

Бизнинг оиламиз ҳар йили ҳам кўл теримида фаол қатнашди. Шунинг ҳисобига катта даромад қиламиз. Бу йил ҳам учта қизим, учта келиним, аёлим ҳаммаси бўлиб 8 киши далага чиқиб пахта термоқдамиз. Вазирлар Маҳкамасининг қарориде кўлда терилган пахтанинг ҳар килограммига туланидиган ҳақ аниқ-равшан белгилаб берилганлиги бизни руҳлантириб юборди. Биз ўз имкониятимизни ҳисоблаб, мавсум давомида қанча пахта теришимиз мумкинлигини белгилаб чиқдик. Ва кам деганда 20 тонна пахта териш топширишга сўз бердик. Ўтган йили 18 тонна пахта териб, 36 минг сўм пул ишлаган эдик. Агар бу йил 20 тонна пахта терсак, 70 минг сўм пул олар эканми. Бу ҳазил гап эмас. Шунинг учун ҳам бу йил теримиз дастлабки кундан оқ соғитилди ишга киришганимиз.

Пахталар қийғос очилди. Оиламиз аъзолари кунига 150 ҳатто 200 килограммгача етказиб пахта теришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун бизда тажриба ҳам, имконият ҳам бор.



КИБРАЙ туманидаги Р. Мусаммадов номи жамоа ҳўжалиғининг Абдуҷалил Ҳақимов бошчи жамоа аъзолари бог ва тоқзорларида мева ҳосили гарқ пишиб етилган. Ҳар кун кўллаб микдорда мева-чева, узум узилди шакрликларга жўнатилмоқда. Муҳайра Жонибекова, Гулҷейра Бозоровларга бир назар ташланган, уларнинг ўз ишларидан мамнун эканликларини сезиб оласиз.

Даврон АҲМАД суратлари.

«ЗИЛОЛ»НИНГ МАҲСУЛОТИМИ ДЕМАК, СИФАТИ

Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасида тайёрланаётган қаймоқ, пишлоқ, сузма ва сметана харидорларга гоат манзур бўлмоқда. Ҳўжалиқка қарашли «Зилол» кичик корхонасида тайёрланаётган сифати жахон андозалари талабига ҳавоб бериши боис уларни савдо ташкилотлари билан бир қаторда пойтахтдаги «Интер-континенталь» меҳмонхонаси ҳам харид қилмоқда.

— «Иш қуролинг саз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деб шунга айтишса керак-да, — дейди «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасининг раиси У. Мирзақулов. — Илгари ҳам фермаида сўт етиштирилди, бироқ маҳсулдорлик паст эди. Ферма замонавий технология билан жиҳозланган, молларни аниқ раццион асосида парварилашга ўтиш маҳсулот етиштиришни қўлга келтиришни берди. Ҳозир ҳар беш соғин ситгидан ўртача 10-12 килограммдан сўт соғиб олинаётди.

«Зилол»нинг натижаси ўларок, кейинги бир неча ой мобайнида «Зилол» кичик корхонасида қарийб беш миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Олинган фойда бир миллион сўмга етди. Табиийки, тайёрланаётган маҳсулотга харидор кўпайган сайин ишлаб чиқариш ҳажми ҳам орта бориши зарур. Шу мақсадда ана бир қанча деҳқон-фермер, ердамчи ҳўжалиқлар ва аҳолидан сўт харид қилиб олиш тўғрисида шартнома тўзилди. Бундан эса корхона ҳам, қишлоқ аҳли ҳам манфаатдордир.

Б. ОСТАНАҚУЛОВ, Ўза муҳбири.

Чорвачилик: илм-фан ютуқларига кенг йўл

Маҳсулдорлик асосан молнинг эҳти, наслига боғлиқ эканлигини чорвачиларимиз яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар бу масалага алоҳида эътибор бериладилар. Тошкент туманида тармоқда эришилган ютуқларнинг боиси ҳам шундир: қўнғина жамоалар, хусусий фермаларнинг раҳбарлари ва мутахассисларнинг сай-ҳаракати билан ҳозирги кунда туман бўйича ўртача ҳар беш соғин олинган 7-8 литрдан сўт соғиб олинаётган бўлса, Мухаммадқон Фозилов номи жамоа ҳўжалиғида 10-10,5 литрдан, «Тошкент», «Ҳасанбой» жамоа ҳўжалиқларидаги хусусий

фермаларда 9 литрдан сўт соғиб олинмоқда. Лекин ҳозирги бозор иқтисоди шартинда бу ютуқлар ҳам, албатта қимлик қилади. Чўки чорвачи юзасида сарф-ҳарajatлари кўпайиб кетяпти. Демак, илм-фан тармақини ўрганиб, омаллаштириб, наслиқлик ишларини янада яхшилаш соҳасида ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Бу гаплар айниқса, Ғиёс Умаров номи, Тўрабий, Абдураҳимов номи жамоа ҳўжалиқлари раҳбарлари, хусусий фермаларнинг эгаларига тааллуқлидир.

Яқинда Навоий номи жамоа ҳўжалиғида чорвачилик фермаларининг мудирлари, зоотехниклар, мол

дўхтирлари ва бошқа мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган семинар-кеңашга худди ана шу долзарб масала муҳокама этилди.

Семинар ишида қатнашган вилоят наслиқлик идораси бошлиғи Уктам Саидов сўзга чиқиб, илм-фан ютуқлари асосида фермаларда, чорвачи наслиқлик юзасида қандай ишлари амалга ошириш зарурлиги, бу соҳада мутахассислар олдига турган вазифалар нималардан иборат эканлиги ҳақида гапирди.

Узаро фикр алмашиди. Фойдаланувчи мулоҳаза-тақлифлар айтилди, муаммолар кўтарилди. Мол наслиқ қанчалик тоза бўлмасин, бироқ уни йил-ўн-иқки ой тўғимли озука билан боқмасангиз меҳнатингизнинг бир қисми эса кетаяверади. Тумандаги айрим ҳўжалиқларда бу соҳада катта тадбирларни амалга

НАСАЧИЛИК — БОШ МАСАЛА

оширмоқдалар. Хусусан, Ғиёс Умаров номи жамоа ҳўжалиғида қилинаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Ҳўжалиқнинг янги бошқаруви ўз фаолиятида ем-хашак базасини мустақамлашга қатъий эътибор бера бошладилар. Фаоллар, деҳқонлар, тажрибадорларнинг эътиборини ҳам ана шу масалага қаратди. Самараси яхши бўлаётди. Ҳўжалиқда мавжуд бедоҳалардан ҳўжалиққа қадар ўртача 120-130 центнердан ошириб ҳосил олинди. Бугундан бери 50 гектар майдонга кўк поя учун экилган маккажўхори ҳам яхши ривожланоқда. Ҳар гектаридан 350-400 центнердан кўк поя олиш

учун асос бор. Умуман туманда чорва қишлови учун етарли озука жамғариб қўйиш ва бу озукаларни сифати сақлашга қаратилган ишлар қўнайирилди. 4,5 минг тонна сомон ғамлаб қўйилди. Туман бўйича ҳар гектар бедоҳосилдорлиғини 120-130 центнерга етказиш учун ҳаракат қилинмоқда. Лекин бунинг учун имкониятларни тула сарфлар эйтиш талаб этилади. Чўки кўк бошланди, вақт тизиб. Об-ҳавога ишониб бўлмайди. Бедоҳалар, маккажўхориловлар парварошини сувайтирмаган ҳолда ўрн-йиғимга техникаларни тула созилаб қўйиш керак бўлади.

Бу соҳада муаммолар йўқ эмас.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» шарҳловчиси.

Савоб БОЛАЛАР КЎЗИДА ҚУВОНЧ

АНГРЕН шаҳридаги 34-Меҳрибонлик уйида 400 га яқин отанасиз болалар тарбияланади. Яқинда шаҳар «Нуроний» жамғармаси тизимидеги «Мустақиллик» кичик фермаси раҳбари Абдуғатор Абдуразақов, қари-ялардан Гаппор Абдуразақов, Абду-мажид Матаевлар беш бўлишиб шу ерда тарбияланаётган саккиз нафар болаларнинг суннат тўғрисида суҳбат қилди.

Шодиена тўйда шаҳар ҳожими табрик сўзлаб, ушбу савобли ишга қўл урган отахонларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Жажи болалар Вохид Тўйлақов, Бахтиёр Халимуллин, Хамид Халимуллин, Иштиёр Разақов, Рустам Отабеков, Эркин Отабеков, Хамид Қураштов, Миша Аҳмедовлар шаҳар «Қизил Ярим Ой» жамияти, «Резинотехника» хиссодорлик жамияти, шаҳар босмахонаси аъзолари ҳамда отахон Мирсоат Каримовларнинг турли хил совғаларидан харсанд бўлишди. Саховатпешаларнинг ёрдами билан ўтган тўйга меҳрибонлик уйи директори А. Қаюмов бош-қош бўлди.

Ҳиндистоннинг қашқ этаклиши

АРАБЛАР ВА МУҒУЛЛАР

Аслида эса араб маданияти, бошқа маданиятлар каби соғий халқлар — финикияликлар, критликлар, халдейлар, яхудиёлар тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ узок ўтмишга эга. Яхудиёлар киришми халдей ва бошқа халқлардан дамдўзлиги билан ажралаб турар эди. Улар бошқа соғий халқлари билан тўқнашиб турар эдилар. Нафсилмабирини айтганда, соғий халқлар истискомат қилидиган барча худудларда ўзаро алоқалар ўрнатилган, қўйилган, умумийлик сақланар эди. Исомлгача араб маданияти, айниқса, Яманда алоҳида раванқ топди. Мухаммад даврида араб тили форс ва ҳатто, хинд сузлари аралашган гоят ривожланган тил эди. Араблар финикияликлар каби савдо алоқалари ўрнатиш учун узок мамлакатлар сари йўл олар эдилар. Исомлгача бўлган даврларда Жанубий Хитойда, Кантон яқинида араб маҳаллалари мавжуд бўлган.

Сир эмас ислом пайгамбари ўз халқига янги куч ва руҳ бағишлади, эътиқод ва иштиқонини ошириб юборди. Араблар ўзларини янги гоилар бақоратчилари ҳисоблаб, ўз вазифаларига фидойилик билан киришиб кетдиларки, одатда бундай ҳолат бутун халқнинг фикри-ақлини буткул банд этади ва тарихий воқеалар

жараёнини тубдан ўзгартириб юборади. Улар эришган муваффақиятлар, шубҳасиз, Фарбий ва Урта Осиё ҳамда Шимолий Африкадаги давлатларнинг инкиробида даллат бериб турарди. Шимолий Африка бир-бири билан рақобат қилувчи турли насроний мазаҳблар дастидан емирилиб борар, бу низолар кўпчиноқ ҳокимият учун қонли курашга айланиб кетар эди. Уша даврларда бу ерда насроний динга эътиқод қилинар ва у чекланганлиги ва бошқа динларга тоқатсизлиги билан ажралаб турар, бу нарса араблар ва мусулмонларнинг инсонлар қардошлиғи ҳақидаги таълимотидан кескин фарқлар эди. Айнаш шу нарса насронийлар ўртасидаги жанжал-адovatдан безган бутун қабилаларнинг мусулмонлар тарафида ўтиб кетишига сабаб бўлди.


Араблар узок мамлакатларга элтиб, ёйган маданият муттақил ўзгарди, ривожланиб борган. Кунда янги ислом гоиларининг учли таъсирини кўзатиш мумкин бўлган. Ҳар ҳолда уни ислом маданияти деб аташ нојоиз, мабодо шундай дейилса, бизни чалғитган буларди, холос. Дамашқ пойтахтга айланган араб, араблар ўзларининг оддий яшаш тарзини ўзгартириб, янада нафисроқ маданият яратдилар. Бу даврни араб — сурия маданияти даври деб аташ мумкин. Бу даврга келиб, Византиянинг таъсири ҳам сезилма бошлади, аммо, араблар Богдада барқарор бўлиб олганларидан кейин қадимги Эрон аъналарининг таъсири қўнайиб кетди. Араблар уларга тобей бўлган барча минтақаларда устуллик қилган араб-форс маданиятини яратдилар.

Араблар гарчи улкан худудларни осонлик билан ўзларига кўп асрлар аввал дин сифатида кенг ёйилган. Умавийлар даврида хашаматли шаҳарга айланган Дамашқ янги араб салтанати халқлар билан савдо алоқалари ўрнатилган манфаатдор бўлган Жанубий Хинд кнзликларига ҳам тарқалган эди. Шундай кнзликлардан бири Хиндистоннинг гарбий худудидеги Раштракута кнзлиги эди. Бундай алоқалар натижасида табиийки, хиндлар янги дин — ислом билан танишганлар. Янги эътиқодни, шунингдек, Хиндистонда ҳайрихоҳлик билан қўйиб олинган давлатчилар ҳам ёйилган. Хинд заманида қўйлаб масажидлар қуришга бошлади. Бунга давлат томонидан ҳам, халқ томонидан ҳам ҳеч қандай монъелик қилинмади. Дуний асосда ҳеч қандай тўқнашувлар ҳам бўлмади.

Бунда Хиндистоннинг қадимий аъналарини — барча динларга тенг қараш, диний урф-одатларни эмин-эркин бажаришга йўл қўйиб бериш ўз аксини топди. Шундай қилиб, ислом Хиндистонга сиёсий куч сифатида кириб келишидан

нар, ҳатто, узок чеккадаги Испания ҳам ундан руҳий озуқ олиб турарди. У даврларда Оврпо билим, фан, санъат ва оқсуяқларга хос ҳаёт бобиде қоқоқ эди. Айна араб Испанияси (хусусан Кордова университет) бутун Оврпо ўрта асрчилиги давомида билим ва синовчоз изланишлар машаъли сиёсий қолмишга йўл қўйди. Бу машъалдан таралаётган нур Оврпоини ёритиб турарди. 1095 йилда бошланган салб юришилари бир юз эллик йилдан кўпроқ давом этди. Улар фақат икки урушқоқ динлар ўртасидаги кураш, ҳоч ва ярим ой ўртасидаги тўқнашувдан юзага келмаган эди. «Салб юришилари», — деб ёзган эди таниқли тарихчи, профессор Ж.Тревеллини, — ўзини тиклаб олган Оврпоини Сиёсий забот этишига иштилоқсиз эди. Салб юришлари натижасида Оврпоининг кўлга киритган ғалабаларига кўзда тутилган мақсадларга, ботиний насроний дунё бўлишига олиб келмади. Салб юришлари тарихи бу бириклин буткул инкор этади. Бироқ, бу юришлар туйғайли Оврпо нефис санъатларини, нозик хунармандчилигини, зебу-зийнатларни, фан ва синовчоз ақли ўзига қабул қилди. Буларнинг ҳаммасини Дарвеш Петр маъқулламаган бўлур эди».

Сўнги салб юриши шармадилик билан тугашидан аввалроқ Сиёсий қарийда довул ёки тўфонини эслатувчи кўзгаллиш юзага келди: Чингизхон Ғарб сари ўзининг киргин келтиридиган юришини бошлади. Чингизхон 1155 йилда дунёга келган, 1219 йилда эса ўзининг буюк юришини бошлади. Бунинг натижасида Урта Осиё тутаб ётган харобазорга айланган эди. Уша йилда эса ёши бир жойга бориб қолган мўйсифид эди. Бухоро, Самарқанд, Хирот, кейинчалик



Ақбар шох томонидан 1605 йилда Искандарияда барпо этилган «Кўҳи-нур» мақбарасининг қўрниниши.

Теша ШЕРАЛИЕВ.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

(Давоми бор)

